**Арипов Ф.М** Овоз режиссёрлиги
бўлими ўқитувчиси

## Фонограммаларни тиклаш жараёнининг сифат мезонлари

Фонограммаларнинг вужудга келиши шовқунларнинг яни мусиқа асбоблари, одам овози каби кўплаб аниқ ва ноаниқ товушларнинг eғиндисини ёзиб олиш жараёнида вужудга келган. Бу ёзувлар кино ва мусиқа тараққиётининг ривожланиш техналогияларининг ихтиро қилиниши билан боғликдир. Биринчи фонограмма ёзуви кино билан боғлиқ бўлиб товушли филм орқали вужудга келган. 1887 йили Т.Едисоннинг фонографи ёрдамида биринчи мусиқий асар “Янкее Доодле” кларнетчи Джюлс Леви ижросида ёзиб олинган.

ХХИ асрга келиб замонамиз шиддат билан ўзгариб ривож топиб келмоқда. Бу ривожланиш жараёни техника ютуқларининг ривожига катта таъсир ўтказиш натижасида овоз ёзиш, телерадио ва элестрон ахборотларнинг катта тезлик билан ишлашига сабаб бўлди. Бу жараёнда компютернинг аҳамияти жуда катта. Бу эса йиллар давомида йиғилиб келинаётган материаллар дарслик манбайи бўлмиш адабиётлар ва кўпгина санъат билан боғлиқ бўлган аудио визуал (аудио в авидео фонограммалар) фондларини архивлаш ва кўп йиллар давомида яхши сақлаш, келажак авлодга бус – бутунлигича етказиб беришни тақазо этади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон телерадиокомпаняси ишга тушгандан бери йиллар

давомида йиғилиб келинаётган овозли архивларни яни фонограммалар йиғилиб қолган бу фонограммалар кўплаб магнит тасмаларда, пластинкаларда ва дат касеталарда сақланиб келинмоқда, бундай архивни сақлаб ва янги ишловлар бериб замонавий техникаларга замонавий аудио ёзув сақловчи ва ишловчи ташувсхиларга ўтказиш учун катта маблағни тақазо этади. Шу сабабли бундай ишлар билан шуғулланиш маълум профессионал соҳа эгалари учун, жумладан овоз режиссёрларига катта масъулият юклайди. Ҳозирги кунда сақланиб келинаётган фонограммалрни тиклаш ва архивлаш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Аудио фонограмма архивини сақлаб қолишдаги махсус йўриқномалар ишлаб чиқилиб қуйидаги иш жараёнлари йўлга қўйилган. Бу йўриқномаларда фонограммани сақлаш ва қайта тиклашдаги вазифа ва қоидалари кўрсатилган. Бундай қоидалардан бири – архивни сақлаш учун махсус хоналар ташкил қилиш ва шу хона ҳароратини мўтадил сақлаш лозимлиги асосий кўрсатмалардан биридир. Бир нарсани эсда тутиш керакки фонограмма ёзилган магнит ленталар, пластинкалар вақт ўтиши билан уларнинг юза қисми қуриши ва шу қуриши натижасида уваланиши, синиши, мўртлашиши мумкин. Буни олдини олиш учун юқорида айтиб ўтилган махсус изолатсия қилинган хонада ҳароратни мўтадил намликда сақлаш керак, шундагина аудио ёзувларни янада кўп йиллар давомида сақлаш мумкин.

Бу вазифалар биринчи навбатда бўлиб ундан кейин овоз режиссёрлари зиммасига иккинчи вазифани юклайди. Сақланаётган фонограммаларни замонавий техника воситаларига қайта ёзиб уларни янги рақамли архивларни ташкил қилишга ундайди. Бу эса жуда муҳимдир, сабаби қанчалик эски ҳолдаги ёзувларни сақламайлик булар барибир бир кун келиб йўқолиши мумкин. Буларни олдини олиш ва фонограммаларни умрини узайтириш, келажак авлодга етқазиш учун янги ёзув мослама техникаларга ўгириш, рақамлаштириш муҳим. Бундай ишларнинг қилинишининг сабабларидан бири 80- 90 йиллардаги техника магнитафонлари йўқолиб бораётганлиги уларни бошқа ишлаб чиқарилмай ҳозирги кунда янги турдаги техник магнитафонлар (МП3, СД, ВИДЕО, АУДИО) ускунларнинг ривожланиб боришидир.

**Овоз билан ишловчи техникалар.**

Юқорида айтиб ўтилганидек XXИ аср бу техника асридир шу сабаб овоз режиссёрлиги соҳасида ҳам катта технологик ютуқларга эрисхилди. Техникаларнинг кўпайиб бориши овоз режиссёрлиги соҳасида ишлатиладиган техникаларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Бу эса нафақат ривожланиш, балки овоз техникасининг бир неча хил турларининг кўпайиб боришига сабаб бўлди. Бундай техникалардан: микшер пултлари (аналог, рақамли). Микрафонлар (динамик, конденсаторли). Маниторлар (калонкалар акитив ва пассив). Кучайтиргичлар ( лампали ва электр диотли). Эквалайзерлар (график ва параметрик). Компютерлар (персонал ва ноутбуклар). Қулоқчинлар (наушниклар). Магнитафонлар (минидиск, СДдиск, УСБ). Компрессор ва лимитерлар. Ревербераторлар шу каби кўплаб техникалардир.

Бу техникалар овоз режиссёрлари иш олиб борадиган хона ва консерт залларида махсус студияларда ишлатилади. Юқорида айтиб ўтилган техникаларнинг ютуғи шундаки иш жараёнини енгиллаштириб, фонограмма ёзувларини сифатини ошириб қисқа вақт ичида керакли бўлган мақсад вазифаларга эришиш имконини беради.

**Винил грампластинкалар ва магнит тасмалардаги фонограммаларни вужудга келиши.**

Товушни ёзиб олиш ва қайта ижро қилишга мўлжалланган ускуналар механик мусиқий чолғулардир. Улар куйларни қайтадан ижро этиш маҳоратига эга бўлиб, ихтиёрий товушларни эса (одам овозини) ёзиб ололмас эдилар. Механик ускуналар қоғозга, тахтага, металлик айлана силиндр, перфорарланган диск ва бошқа мосламалардан овозни қайта ижро этишга қодир бўлганлар. Ушбу механик ускуналар одамнинг қўли, сув, қум, вазн, пружина ва электро ток орқали ҳаракатга келар эди. Маълумки, мусиқанинг автоматик равишда ижро этилиши ИХ-асрдан бошланган. Биз билган энг қадимий механик чолғу 875-йилда ака-ука Бану Мусалар томонидан ихтиро қилинган. Бу “сувли” ёки “гидравлик” орган эди. Ушбу механик ускуна автоматик равишда алмашувчи силиндрларга ёзиб олинган овозларни ижро этишга қодир бўлган. Силиндрларнинг майдонида бўртиб турган “муштчалар” жойлашган. Силиндрни ҳаракатга тепадан пастга тушиб турадиган сув келтиради. Шунда,

айланадиган силиндрнинг майдонида жойлашган “муштчалар” орқали овоз ҳосил бўлар эди. Ушбу овоз ҳосил қилиш услуби ХИХ-асрнинг иккинчи яримигача асосий восита бўлиб, хизмат қилган. Шунга ўхшаган механик силиндр ХИИИ-асрнинг бошида “механик карилон” ускунада қўлланилган ва ҳар хил катталигидаги занг (колокол)ларни ҳаракатга келтирган. Бундан ташқари ака-ука Бану Мусалар автоматик найни ихтиро этганлар. Ушбу механик най биринчи дастурланадиган мошина бўлган деб айтсак муболаға бўлмайди.

Уйғониш даврида турлича механик мусиқий ускуналар пайдо бўлган: шарманкалар (ХВ-аср), мусиқий соатлар (1598), механик спинетлар (ХВИ-аср), мусиқий қутичалар, сандиқлар (1815 год), табакеркалар. Улар ҳам механик силиндрлар орқали мусиқани ҳосил қилганлар. Ушбу механик ускуналарнинг барчаси фақат силиндрларда ясалган мусиқани ижро этиб, жонли овозларни, товушларни ёзиб ололмас эдилар. Бундан ташқари силиндрларга ёзиб олинган куйларнинг йиғиндиси чегараланган эди.

**Д.Абдуллаев** ЎзДК “Овоз ёзиш
ўқув студияси” овоз режиссёри

## Радиода овоз ёзиш жараёнлари ва имкониятлари.

Телевидение ва радиода овоз ёзиш эшшиттириш тарғибот-ташвиқот воситаси сифатида катта оммавий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, тингловчиларнинг маданий ва маънавий савиясини оширувчи муҳим восита ҳисобланади. Овоз ёзиш, эшиттириш техник ташкилий мажмуа бўлиб, турли овоз маълумотларини шакллантириш ва ҳудудий кенг тарқалган тингловчиларга махсус техника воситалари ёрдамида етказиш, узатиш учун мўлжалланади. Овоз ёзишнинг асосий вазифаси тингловчиларга турли овозли информацияларини юқори сифатда етказишдан иборат. Овоз ёзиш усуллари ёрдамида керакли шовқин,